

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев

Карралы характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида	5
М.Мамажонов, С.М. Мамажонов	
Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида	11
Ж.О.Тахиров	
Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш

Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш	27
О.Қ. Дехқонова	
Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили	33

КИМЁ

О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов

СаA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси	36
БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ	

М.Холиқов, Ё.Аҳмедова

Фарғона водийсидаги күшларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси	41
Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотвоздиев, И.А.Акбаров	
Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева

Суғориладиган кольматажланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	46
М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов	

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар биогеокимёси	51
---	----

В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов

Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари	57
---	----

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

О.Умаров

Ҳудудларда иқтисодий мустаҳкамлик заҳирасини яратишнинг самараదорлиги	61
---	----

ТАРИХ

З.Й.Эсонов

Фарғона водийси хунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари	63
---	----

А.Абдухалимов

Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари	67
---	----

М.М.Темирова

Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар	70
--	----

Ш.Махмудов

Қўқон хонлигига хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик	74
---	----

А.Юлдашев

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларда акс этиши	77
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба	80
---	----

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Ижтимоий фикрлар тарихида тафakkур услуги масаласи	84
--	----

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Илмий билиш баҳт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил	87
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

УДК: 10+177/178

ИЛМИЙ БИЛИШ - ЁШЛАР АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ОМИЛ НАУЧНОЕ ПОЗНАНИЕ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ НРАВСТВЕННОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ

YOUNG PEOPLE ARE INVOLVED IN AHEAD IN THE CROATIAN DESIGNS

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Аннотация

Мақолада бугунги ёшларнинг диний ва дунёвий қарашларини янада ривожлантириш, уларнинг билишининг ақлий, эмпирик, ҳиссий каби турларини яққол тарзда англаб олиши, ҳаёттй идеаллик муносабатлари, социал муносабатда оиласиб баҳт-саодат муносабатларини шакллантириши, ёшларнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб камол топишлари, дунёни нафакат билиш, балки илмий билиш ёшларимизнинг ахлоқий маданиятини юксалтириш омиллари эканлиги ёритилган..

Annotation

In article освещены вопросы дальнейшего развития религиозных и светских взглядов современной молодежи, а также вопросы, касающиеся четкого осознания ею таких видов познания, как интеллектуальное, эмпирическое и эмоциональное, идеальных отношений в жизни, формирования семейного счастья в социальных отношениях, развития молодежи с независимым мышлением, с высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, способной не только познавать мир, но и познавать в научном отношении. Это послужит фактором повышения этической культуры молодежи.

Annotation

This article analyzes the present and future days of happiness, the further development of religious and secular views of the future generations, the understanding of intellectual, empirical and emotional intelligence, the relationship of idealism in life, family happiness in social relationships, intellectual and spiritual potential, not only knowing the world, but also scientific knowledge of factors of raising the ethical culture of young people.

Таянч сўзлар ва иборалар: антропологик, ислом доктринаси, ортодоксал қарашлар, теологик масавурлар, эвдемонологик мерос, социоантропологик хусусият, социал муносабатлар, баҳт белгиси – билим, баҳт-саодат феномени, дифференциал.

Ключевые слова и выражения: антропологический, исламская доктрина, ортодоксальные взгляды, богословские представления, эвдемонологическое наследие, социоантропологическая особенность, социальные отношения, знание – признак счастья, феномен счастья, дифференциальный.

Keywords and expressions: anthropological, Islamic Diction, Orthodox views, Theological cross-section, Socioanthropological characteristic of evdemonological heritage, Social relations, Happiness - sign of phenomenon, happiness and happiness, Differential.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар инсоннинг баҳт-саодатга эришиб яшашини кўзда тутади. Айниқса, ёшларимизнинг ҳаётни тўғри англаб, баҳтли яшашлари учун илмий билишининг муҳим омил эканлигини асослаб бериш бугунги кун талабидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, “Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдирни ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг баҳти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак” [1].

Алоҳида қайд этиш лозимки, ижтимоий борлиқ

талаблари ва қизиқишлиарининг детерминистик таъсири инсондаги индивидуалликни, айниқса, маънавий-руҳий изланишлардаги ўзига хосликларни рад эта олмайди. Бу ўринда буюк юртдошимиз Абу Наср Форобийнинг фалсафий антропологик ва эвдемонологик изланишларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ортодоксал қарашлар, теологик масавурлар ҳаёт тарзига айланган, ислом доктринасидан ташқарига чиқиш амри маҳол бўлган бир даврда у идеал, фозил ва баҳт-саодатли инсонлар яшайдиган жамият ҳақида бетакор ғояларни илгари сурган. У жамият ва шахс ўртасидаги боғлиқлик ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Фозиллар шаҳри

Р.Рўзиева – Г.В.Плеханов номидаги РИУнинг Тошкент шаҳридаги филиали, гуманитар ва математик фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

Н.Эшонқулова – НДКИ, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчisi.

Н.Бобоназарова – НДКИ, академик лицейи ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчisi.

одамларидан баъзилари ҳамма учун муштарак, умумий бўлган билимларни ўрганиб иш юритадилар, баъзилари эса фақат муайян мавқедаги одамлар билиши зарур бўлган билимларни ўрганиш ва иш юритиш билан шуғулланадилар. Бу одамларнинг ҳар бири, шундай умумий ва хусусий билимлар ва фаолиятлар орқали саодатга эришадилар” [2,163]. Демак, бахт-саодатга эришиш жамият ва шахс амалларининг мавжудлигини тақозо этади. Аммо шахс амалларининг ўзи эмас, уларнинг тинмай такомили муҳим бўлиб, бу, жамият эҳтиёжларининг мувофиқлилигига ўз ифодасини топади. “Ўзаро яқин (кўнгли яқин) руҳларнинг қанчалик кўпчилиги бир-бири билан кўшилса, улар шунча кўп ҳузур-ҳаловатга эришадилар... Руҳлар сифатларининг бундай ўзаро кўшилиши оқибатида уларнинг (акўлий) қувватлари миқдор жиҳатидан ҳам тобора ошиб боради... маънавий кучлари ортиб, баркамоллашиб боради. Руҳларнинг бир-бирига чексиз кўшилавериш имкони бўлгани учун ҳар бир руҳнинг бошқалари билан чексиз кўшилаверишидан оладиган ҳузур-ҳаловати ҳам чексиз ортиб бораверади” [3,165]. Бу ўринда файласуф руҳлар тўғрисида тўхталяпти, аммо бу фикрлар инсонларга тааллуқлидир. Инсонлар кўпроқ ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бири билан бирлашиб фаолият олиб боришлари жамиятнинг мавжудлик шартидир. Форобий Farb файласуфларига хос индивидуал субъективистик ёндашувдан ҳоли тарзда, инсон қувватлари ва амаллари жамият манфаатларига мувофиқ келиши зарурлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам унинг эвдемонологик мероси социоантропологик хусусиятга эга.Faoliyatning ijtimoiy deternimistik xususiyatiinson xatti-xarakatlarinинг жамият талабларига, эҳтиёжларига мувофиқлилигига акс этади. Бундан инсоннинг бахт-саодатга интилиши ҳам истисно эмас. Бизнинг фикримизча, ушбу интилишларни қуидаги йўналишларга ажратиб, тадқиқ этиш мумкин:

1. Борлиқни билишдан завқ олиш, гносеологик изланишларга берилишни ҳаётий мақсадга айлантириш.

2. Ижтимоий борлиқни такомиллаштиришдан ўзига эвдемоник маъно топиш.

3. Трансцендентдан, иррационалдан “олий бахт” излаш.

4. Инсонларни севиб ва севилиб яшашни саодат билиш.

5. Ҳаётий идеал излаш ва унга эргашишдан ҳаётий мазмун топиш, умр моҳиятига етиш.

6. Социал муносабатлар, аввало, оиласвий ҳаётдан бахтиёрлик излаш.

Оlamни, ҳаёт сирларини билиш, тафаккур билан янги илмий кашфиётлар қилишга интилиш ёлғиз инсонга хос хислатдир. “Инжил”да қайд этилишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво тақиқланган дараҳт мевасини тотиб кўриб, билишга бўлган эҳтиёжини намойиш этиб, гносеологик қизиқишилари жаннатда яшашдан устун эканини тасдиқлаганлар [4,5-6]. Исломда эса “Иймон яланғочдир, унинг либоси тақво, зийнати ҳаё, меваси эса илмдир”, “Олим Оллоҳнинг ер юзидағи ишончли кишисидир” [5,20-21], дейилади. Мұхаммад Пайғамбаримизга Қуръони каримнинг ўқи, ўқи, ўқи тарзидан нозил этилиши, маълум қилиниши инсондаги билишга бўлган қизиқиши ифода этади. Хуллас, гносеологик қизиқиши инсоннинг шундай табиатига айланганки, у бутун фикризикри, борлиғи билан ён атрофидан, ҳаётдан моҳият излаб, ўзини бахтиёр сезади.

Оlamни илмий билишда, айниқса, китобнинг аҳамияти катта. “Одамларнинг онг-у тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин бу борада энг оддий ва айни пайтда энг таъсирчан восита – бу китоб эмасми? Мен шунга аминман – китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ” [6,114]. Зоро, китоб орқали инсон дунёни янада теранроқ англайди. Ўзини сиртдан кузатиб, камчиликларини тузатиб боришга ҳаракат қилади. Маънавий меросимизда илм ҳақида, илмий билишга интилиш ҳақида жуда қимматли фикрларни учратамиз. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йигилиб дарё бўлур”, “Бахт – белгиси билим”, “Билим – ақл чироги”, “Билим бахт келтирас”, “Билим давлатдан қиммат”, “Куч – билимда” кабилар шулар жумласидандир.

Тарихда ижтимоий борлиқнинг инсон эвдемонологиясига қурилган жамият бўлгани маълум эмас. Инсоннинг бахт-саодат ҳақидаги тасаввурлари шахсий, субъектив ҳодиса бўлиб келган. Уларнинг энг ёрқин кўринишлари утопияда, футурологик моделларда акс этади. К.Мангейм ёзганидек, утопик онг, тасаввур реал борлиқка мувофиқ келмаган, мавжуд тартибларни парчалашга қаратилган трансцендентал воқеликдир [7,113]. Бироқ, бахт-саодатнинг экстравертив хусусиятини унтиб бўлмайди, акс ҳолда инсоннинг барча

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

фаолияти мутлақ шахсий субъектив воқелик сифатида талқын этилади. Шунинг учун утопия ва футурологик моделлар негизида инсоннинг амалий, ижтимоий фаолиятига таъсир этувчи омиллар борлигини унудиши мумкин эмас. Айниқса, инсон ўзгартиришга ахд қилган ижтимоий борлиқ “мудом аниқ, маълум бир тарихий ҳаёт билан боғлиқ” [8,114]. Шундай экан, инсоннинг баҳт-саодат ҳақидаги қарашлари, ҳатто улар утопия, футурологик моделлар тарзида намоён бўлганида ҳам жамиятга қаратилган фаолиятида объективлашади.

Ҳаётий идеал излаш ва унга эргашишдан моҳият, мазмун топиш инсонни баҳтли яшашга элтиши мумкин. Баҳт феноменининг идеал билан боғлиқ айрим қирраларини С.Аззамходжаева ўрганган. У ёзади: “Баҳт”, “баҳтиёр ҳаёт қуриш” барча кишиларга, барча жамиятларга хос идеалdir. “Баҳт ва баҳтиёр ҳаёт” ахлоқан етук инсон билан боғланган. Кишининг баҳтиёр яшashi унинг мол-мулки, лавозими билан эмас, эзгу амаллари, эзгу ниятлари туфайлидир. Ахлоқан етуклик ҳам эзгулик концепциясидан келиб чиқиб талқин қилинади. “Эзгу амалли шундай бир кишини танлаш зарурки, – деб ёзади Сенека, – у мудом кўз олдингда турсин ва шундай яшагинки, гўёки ушбу идеал сенга тикилиб, сенинг ҳаракатларингни кузатаётгандек бўлсин... Бошқанинг фикрларида яшаб, уни тўғри яшашга ўргатган баҳтиёрдир! Аммо бошқани идеал билиб ўзи комилликка интиладиган янада баҳтиёрдир! Бизга ахлоқимизни тузатадиган кимдир намуна бўлиши даркор, чунки эгри чизиқни фақат чизгич билан тўғрилаш мумкин” [9,32].

Социал муносабатлар, аввало, оиласдан баҳт излаш кишидаги энг барқарор туйғу, истақдир. Оила тасодифий кишилар уюшмаси эмас, унга дуч келган талаблар, кўрсатмалар, даъватлар тўғри келавермайди. Куръони каримда айтилишича, Оллоҳ кишиларнинг сокинлик топиши, ораларида меҳру муҳаббатнинг марҳамат бўлиши учун оиласи кашф этган [10,368]. “Нахр” сурасида дейилади: “Оллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфтлар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантириди” [11,238]. Агар мазкур таъкидлардан келиб чиқсан, оила инсонга сокин турмуш ато этади, меҳру муҳаббат билан яшашга ўргатади, жуфт танлашни, фарзандлар ва набиралар кўриб, баҳт-саодат нималигини тотиб яшашга ўргатади. “Оила ҳар бир жамиятнинг бошлангич ҳужайраси ҳисобланади. Оила мустаҳкам,

тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осоиишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча, оиласада парокандалик, бузғунчилик бўлса, ҳалол-ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчлик йўқолади, охир-оқибат у чукур таназзулга юз тутади” [12,4].

Агар гап баҳт-саодат феномени устида кетса, социоантропологик воқелик ижтимоий борлиқ ва инсонни, жамият ва шахсни, уларнинг орзу, истак, кечинма ва тасаввурларига ўйғун қарашни шарт қилиб кўяди. Бу, албатта, уларни сунъий тарзда айнанлаштириш эмас, ижтимоий борлиқ билан инсон ўртасида функционал, биологик, психофизиологик ва социал фарқлар сақланиб қолади. Жамият билан шахс ўртасидаги ўйғунлик, ҳатто у интенция ёки субъектив поғонада бўлса-да, дифференциал ўзига хосликлардан келиб чиқиши тақозо этади, чунки баҳт феномени, маълум маънода шахсий субъектив тасаввурлар, кечинмаларга оид ҳодисадир. Шахсий субъектив тасаввурларни умумлаштириш тарзи бутун жамиятга, жамият ҳаётига татбиқ этиш хавфини юзага келтириши мумкин. Мишель Монтень айтганидек, “Биз ҳеч қачон уйимизда қололмаймиз, мудом қаердадир ташқарида бўламиз. Хавфсираш, истаклар, умидлар бизни келажакка ундейди, улар бизни бор нарса ҳақида ўйлаш ва тушуниш имконидан маҳрум этади, ҳатто бизни йўқ бўлганимизда ҳам безовта қиладиган даражада ўзига банди этади”[13,117-118]. Бу, жамият деб аталган ташқи борлиқнинг инсонга, шахсга ўз талабларини ўтказиши оқибатидир.

Демак, жамиятда ва у билан яшаш, уларнинг борлиги орқали ўзини, ўзлигини намоён этиш, орзу-истаклари ва баҳтли ҳаёт ҳақидаги қарашларини амалга татбиқ этиш инсон, шахс қисматига битилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ёшларга маънавий меросимиз асосида баҳт-саодат тушунчаларининг моҳиятини тушунтириш ва бугунги янги тараққиёт даврида баҳтли фуқаро сифатида ҳаётда ўз ўринларини топиб яшашлари учун муносаб шароит яратиб бериш бугунги кун талабидир. Зоро, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишимасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустаҳкам фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси

соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтили бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [14,14].

Социал муносабатлар инсон ва жамият, давлат, нодавлат институтлари ўртасидаги ранг-баранг алоқалардан иборат. Кишининг ушбу муносабатларда баҳтили яшashi ёки ўзини баҳтиёр, омадли субъект сифатида намоён қилиши турли-туман омилларга боғлиқ. Энг муҳими, инсон шу муҳит учун зарурлигини, унинг фаолияти ниманидир ўзгартиришини, такомиллаштиришини ҳис қилиши даркор. Объектив борлиқ, муҳит шахснинг ижтимоий фаоллиги учун зарур шароитларни доимо яратавермайди. Социал муносабатлар, жамият баҳт феноменига ижобий воқелик сифатида таъсир кўрсатиши керак. Буни қўйидагича талқин қилиш мумкин. Биринчидан, жамият баҳт улашмайди, аммо у кишиларга баҳтили яшashi учун зарурий имкониятлар яратиб беради. Бундай имкониятларсиз шахс ўзининг инсон сифатида нималарга қодирлигини англамайди, билмайди. Иккинчидан, жамият шахсни онгли, тафаккурли, ижодкор субъект сифатида шаклланишини кафолатлади. Айнан яратувчаник қувватига эга эканини анлаган шахс ўзини баҳтиёр сезади, жамият берган сабоқлар ва қулайликлардан тўла фойдаланишга интилади. Учинчидан, инсон ижтимоий мавжудот (Аристотель), унинг бу фазилатини жамиятдаги муносабатлар, ранг-баранг алоқалар, ҳаёт тарзи ва кундалик амалиёт шакллантиради. Ижтимоий борлиқ

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлиста Мурожаатнома. 28 декабр, 2018 йил. Хс.уз.
2. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашр., 1993.
3. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашр., 1993.
4. Инжил. Стокголм, 1992. Ибтидо.
5. Қаранг: Фаззолий, Имом Абу Ҳомид. Биринчи китоб. – Т.: Мовароуннахр, 2003.
6. Мирзиёев Шавкат. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.
7. Қаранг: Мангейм К. Идеология и утопия. Утопия и утопическое мышление: антология зарубеж. лит. –М.: Прогресс, 1991.
8. Қаранг: Мангейм К. Идеология и утопия. Утопия и утопическое мышление: антология зарубеж. лит. –М.: Прогресс, 1991.
9. Қаранг: Мангейм К. Идеология и утопия. Утопия и утопическое мышление: антология зарубеж. лит. –М.: Прогресс, 1991.
10. Куръони карим. А.Мансур таржимаси. -Т.: Чўлпон, 1992.
11. Куръони карим. А.Мансур таржимаси. -Т.: Чўлпон, 1992.
12. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Баҳтиёр оила. -Т.: Шарқ, 2012.
13. Қаранг: Рассуждения о счастливой и достойной жизни. - Минск: Харвест, 1999.
14. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Эркин ва фарвон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўчма мажлисидаги нутқ / Ш.М.Мирзиёев. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017.

деб аталувчи ушбу омил инсоннинг бутун борлиғига, тасаввурлари ва онгига сингганки, инсон фақат улар таъсирида ёки уларнинг баҳолашида ўзини ким баҳтиёр ёки бадбаҳт эканини билади. Баҳт феномени учун ташқи таъсир, жамиятдаги қадриятларнинг, яъни макромуҳитнинг баҳолари муҳим. Тўртинчидан, социал муносабатлар оила, яқин кишилар давраси, меҳнат жамоаси, қўшнилар, қариндош-уруглар, маҳалла, хуллас, инсоннинг ҳар куни қиласидаган алоқаларини шакллантирадиган микромуҳитлар баҳт ҳақидаги тасаввурларга бевосита таъсир этувчи обьектлар ҳисобланади. Бешинчидан, жамият таъсири қанчалик кучли бўлмасин, баҳт шахсий, индивидуал ҳусусиятга, қадрга эга феномендир. Демак, баҳтни шахс якка ўзи тасаввур этса-да, унга фақат ўз ҳаётига тааллуқли феномен сифатида қараса-да, бу, унинг мутлақ ўзига тегишли, мутлақ ўз ҳоҳишидан келиб чиқувчи, мутлақ ўзигина ҳал этиши мумкин ҳодиса эканини билдирамайди. Жамият нафақат ўрнатган муносабатлари, шунингдек, эъзозлайдиган, амал қиласидаган ва қўллаб-куватлайдиган қадриятлари орқали ҳам инсоннинг баҳтили ёки баҳтсиз яшашига таъсир этади. Айнан шунинг учун ҳам жамият, шахс билан ёнма-ён, баб-баробар баҳт феномени субъектидир.

Демак, дунёни нафақат билиш, балки илмий билиш ёшларимизнинг ахлоқий маданияти юксалиб, баҳт-саодатга интилиб яшашларида муҳим омил бўлиб хизмат қиласиди.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).